



Journal of Natural Science

№4
(2021)

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ХАЙЪАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Кодиров Т- к.ф.д, профессор4. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор5. Султонов М-к.ф.д, доц6. Яхшиева З- к.ф.д, проф.в.б.7. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.8. Хакимов К –г.ф.н., доц.9. Азимова Д- б.ф.н.10. Мавлонов Х- б.ф.д., доц11. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.12. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)13. Мухаммедов О- г.ф.н., доц14. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)15. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц16. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чикарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

АЙДАРКЎЛ СОҲИЛИ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ОЗУҚАВИЙ
ГУРУҲЛАРИ

Эшонкулова Ирода-ЖДПИ биология йўналиши II-босқич магистри

Аннотация: Чорвачиликни халқаро талабларга жавоб берадиган даражага кўтариш мақсадида мол хайдаб боқиладиган ўтлоқ ерларидаги ўсимлик қопламларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаб бериш ҳозирги кун талабидир. Чунки чўлланиш жараёнини ўрганиш ва баҳолаш муаммоси ҳозирги вақтда глобал муаммолардан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: озуқа, ўсимлик, чўл, тур, яйлов, эфемер.

Аннотация: Чтобы вывести поголовье скота на уровень, соответствующий международным стандартам, необходимо оценить текущее состояние растительного покрова на пастбищах, на которых выпас скот. Потому что проблема изучения и оценки процесса опустынивания сейчас является одной из глобальных проблем.

Ключевые слова: корм, растение, пустыня, вид, пастбище, эфемерное.

Abstract: In order to bring the livestock population to a level that meets international standards, it is necessary to assess the current state of the vegetation cover on the pastures where the cattle are grazing. Because the problem of studying and assessing the process of desertification is now one of the global problems.

Key words: food, plant, desert, species, pasture, ephemeral.

Айдаркўл соҳили кургоқчил минтақалари шароитида тарқалган ўсимлик дунёси турли-туман бўлиб ҳаётий шакллари, ботаник оилалари ва турларга ажратилишига қараб ниҳоятда бой ва хилма-хилдир.

Табиий яйловларда тарқалган ва озика заҳиралари жихатидан етарли улушга эга асосий ўсимликларни ўрганиш қулайлиги, тўйимлилик даражаси ва бошқа хоссалари асосида уларни 4 озуқавий гуруҳга ажратиш қабул қилинган.

Кенг тарқалган озуқабоп турлардан ташқари яйловларда яхши озикабоп бўлмаган, балки кам ейиладиган, зарарли ва заҳарли хусусиятларга эга бўлган турлар ҳам учрайди. Уларни ҳам билиш, яйловларда бошқа фойдали турлардан ажрата олиш, энг муҳими, уларга қарши кураш чораларини тўғри қўллашни билиш зарур. Шу боисдан уларни ўрганиш махсус зарарли ва заҳарли ўсимликлар гуруҳи шаклида амалга оширилади.

Буталар ва ярим буталар чўл яйловлари ўсимлик қопламида энг юқори каватни эгалловчи ва кўй-кўзиларни куз-қиш ойлари озуқа билан таъминловчи турларнинг асосини ташкил қилади. Уларнинг орасида бутун йил давомида яхши ейиладиган ёки мавсумий (куз-қиш) ейиладиган турлар

мавжуд. Шунингдек, ярим бута турлар орасида маданийлаштириш учун истикболли турлар анчагина бўлиб уларнинг кўпчилиги яйловлар ҳолатини яхшилашда қўлланилиб келинмоқда.

Тарқалиш шароитлари, йил фаслларида ва турларига қараб бута, ярим буталарнинг ҳосилдорлиги ўта ўзгарувчан бўлиб, об-ҳаво ўртача бўлган йиллари гектаридан 10-12 центнер ейиладиган озуқа тўплай олади.

Чўл яйловларида мазкур ўсимлик гуруҳларига туяқорин, янтоқ, коврак ва бошқалар киритилган.

Бу гуруҳга киритилган аксарият турларни ўсиш (вегетация) даврида кўй-кўзилар ва бошқа ҳайвонлар хуш кўриб истеъмол қилмайди, бироқ, йилнинг бошқа мавсумларида, айниқса, вегетацияси тугагач улар нисабатан яхши ейила-бошлайди, дагал пичан сифатида тайёрланиб махсус ишлов берилса (янчилса, майдаланса, бугланса) фойдаланиш коэффиценти анча ошади.

Дагал пояли ўсимликлар қоракўлчиликда аксарият ҳолларда кафолатли озуқа манбаи сифатида фойдаланилади ва улардан тайёрланган озуқа захиралари яйловда боқиш имконияти бўлмаган даврларда анча қўл келади.

Эфемер ва эфемероидлар – бир ва йиллик ўтчил турлар бўлиб, улар одатда чўлнинг ёгин-сочин ва ҳаво ҳарорати қулайроқ (бахор) даврда ривожланишга мослашган озуқабоп гуруҳ ҳисобланади. Уларнинг ривожини одатда куз ойлари бошланиб, қиш изгирилари бошланиши билан ўсиши секинлашади ёки бутунлай тўхтаб қолади.

Баҳор бошларида уларнинг гуркираб ўсиб-ривожланиш даври авжига чиқади ва шу давр давомида (апрел-май) уруг ҳосил қилишга улгуради ва ўз вегетациясини тугатади.

Ўз ўсиш даврини ўтиб бўлган бир хил (кўнгирбош, илак) пичан ҳолида узок вақт яйловларда сақланиб турса, бошқа бир хил турлар тезда шамоллар ёрдамида ёки моллар туёғи таъсирида парчаланиб, «хас» ҳолида фойдаланади.

Эфемерли яйловларнинг энг муҳим фазилати ва устунлиги шундаки, улар қоракўл зотли қўйлар учун энг тўйимли ва кўкат билан таъминловчи баҳорги ва ёзги ўтлоқлар ҳисобланади. Чунончи, протеин, карбонсувлар, витаминларга бойлиги жиҳатидан чўл яйловларида кўклам фаслида, уларга тенги йўқ деса ҳам бўлади. Бу даврда барра ўтлар нуқул ширали ва озуқа моддаларга бой бўлганлиги туфайли барча турдаги уй ҳайвонлари ва ёввойи молларни семиртирувчи озуқа ҳисобланади.

Эфемерли яйловларнинг озуқа захиралари кўкламнинг гидротермик режими билан бевосита боғлиқ бўлиб, йиллар бўйлаб кескин ўзгарувчан ҳисобланади: об-ҳаво қулайликларига қараб унинг миқдори гектаридан 0,5

центнердан ҳам кам бўладиган бўлса, айрим йилларига унга нисбатан 15-16 баравар кўпроқ бўлиши мумкин.

Ўрта йилга нисбатан эфемерли яйловларнинг озуқа захираларининг ўзгаришини айрим тадқиқотчилар қўйидагича тарифлайдилар: ўта сер ҳосил йил 250%, серҳосил йил – 160, ўрта йил – 100, кам ҳосил – 50 ва ўта кам ҳосил – 25%.

Эфемерли яйловларнинг энг катта нуқсони уларнинг қисқа муддатли яйлов типи эканлиги ҳисобланади. Бутун йил давомида улардан унумли фойдаланиш мақсадида чунончи, куз-қиш ойлари мол боқиш учун бута ва ярим буталар вакилларида фойдаланиб уларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни қўллашни тақоза этади.

Бир йиллик шўра ўтлар – узок ўсиш даврига эга ва таркибида кўп миқдорда минерал тузлар мавжуд ўтчил турлардир. Аксарият шўрланган тупроқларда тарқалган мазкур турларни одатда қуруқ ва ширали гуруҳга ажратилади.

Хўжалик нуқтаи назаридан уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, биринчилари, бутун ўсиш даврида бемалол ейилаверса, ширали турлари, одатда, қуриганидан кейингина ейилади.

Марказий Осиё чўлларида 200 дан ортиқ шўра ўтлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарият қисми шўрадошлар оиласига мавжуд.

Ширали бир йиллик шўраларнинг новда ва барглари сер ширали бўлса, қуруқ шўра ўтлар кам шира новда ва барглардан иборат.

Чўл яйловларида тарқалган ўсимликлар орасида яна алоҳида бир гуруҳни ажратиш лозим: улар захарли ва зарарли ўсимликлар бўлиб, яйлов озуқаси сифатини бузади, чорва молларининг захарланишига олиб келади, кўпчилик ҳолларда, ҳатто уларнинг нобуд бўлишида ҳам сабабчи бўлади.

Зарарли ва захарли ўсимликларнинг зарарли хусусиятлари бутун вегетация даврида бўлмасдан балки, айрим даврлардагина кузатилади. Жумладан, қилтиқ-асосан уруглари пишган давридагина чорва молларининг огиз бўшлиги, кўзлари, бурнини жароҳатлаши мумкин; кўк ҳолатида умуман зарарсиз бўлиб, чорва моллари уни қониқарли истемол қилади ҳам.

Таркибида захарли моддалар мавжуд бўлган ўсимлик турлари намояндаларининг ҳам кўпчилиги фақатгина актив вегетация давридагина зарарлидир. Масалан, айиктовон, исирик, учма шундайлар жумласига қиради. Зарарли ва захарли ўсимлик турларининг кўпчилиги ўз таркибида эфир мойлари, алкалоидлар, глюкозидлар тўплаши, танасининг тиканлар ва тукчалар билан қопланганлиги сабабли вегетация даврида чорва моллари

томонидан деярли истеъмол қилинмаслиги сабабли ҳам қишлоқ хўжалик хайвонларининг захарланиши яйлов шароитида камроқ учрайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулқосимов Х.П., Алибеков С.Л, Вахобов А.В. Проблемы опустынивания в Центральной Азии и её социально-экологические аспекты // Тез. докл. Международного семинара НАТО по перспективному исследованию. – Самарканд, 2003. – С. 4–7.
2. Акжигитова Н.И. Галофильная растительность-Halophyta // Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования. – Ташкент, 1973. – Т.2. – С. 211–302.
3. Акжигитова Н.И., Эфемеровая растительность – Ephemerophyta. // Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования. – Ташкент, 1976. – Т.3. – С. 8–71.
4. Алланазарова У., Ткаченко Э.П., Попов Б.Б., Применение космofотоматериалов при картографировании почвенно-земельных и растительных ресурсов бассейна р. Сурхандарья // Проблемы освоения пустынь. – Ашхабад, 1987. – №2. – С. 40–48.
5. Алланазарова У., Капустина Л.А., Муталов К.А. Камфоросмники в Юго-Восточном Кызылкуме. Доклады АН РУз. – Ташкент, – 1992. – №1. – С. 49–50.
6. Қодиров Ф. Жанубий – Ғарбий Айдарқўл соҳилидаги ўсимликлар қопламнинг трансформацияси // Ўзбекистон биология журнал. – 2006. – № 4. – Б. 24–30.
7. Қодиров Ф., Мавлонов Х. Қизилқумнинг Айдарқўл соҳилидаги яйловларига антропоген омиллар таъсири // ЎЗР ФА Маърузалари: 2007. – № 2. – Б. 88–91
8. Қодиров, Г. Ў., & Азимова, Д. Э. (2021). МОЛГУЗАР ТИЗМАСИ ФЛОРАСИНИНГ ИГ СЕРЕБРЯКОВ (1962) ТАСНИФИ БУЙИЧА\ЎТИЙ ШАКЛЛАРИ. *Журнал естественных наук*, 1(1)..